

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**РУЗИЕВ УЛУГБЕК НЕМАТОВИЧ**

**МИКРО- ВА НАНОСТРУКТУРАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИ  
БИЛАН ЕДИРИЛИШГА ЮҚОРИ ЧИДАМЛИ ВОЛЬФРАМ КАРБИДИ  
АСОСИДА ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.19-Камёб, нодир ва радиоактив элементлар кимёвий  
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the abstract dissertation of doctor of sciences (DSc)**

**Рузиев Улугбек Нематович**

Микро- ва наноструктураларни шакллантириш йўли билан  
едирилишга юқори чидамли вольфрам карбиди асосида каттик  
қотишмаларни олиш технологияси..... 3

**Рузиев Улугбек Нематович**

Технология твердых сплавов на основе карбида вольфрама  
повышенной износостойкости путем формирования микро- и  
нанокompозитных структур..... 31

**Ruziev Ulugbek Nematovich**

Producing technology for hard alloys with increased wear resistance based  
on tungsten carbide by forming micro- and nanocomposite structures ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 60

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**РУЗИЕВ УЛУГБЕК НЕМАТОВИЧ**

**МИКРО- ВА НАНОСТРУКТУРАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИ  
БИЛАН ЕДИРИЛИШГА ЮҚОРИ ЧИДАМЛИ ВОЛЬФРАМ КАРБИДИ  
АСОСИДА ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.19-Камёб, нодир ва радиоактив элементлар кимёвий  
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.DSc/T584. рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Гуро Виталий Павлович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шарафутдинов Улугбек Зиятович,**  
техника фанлари доктори, доцент

**Якубов Махмуджон Мухамедович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ақбаров Хамдам Икрамович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Навоий давлат қончилик ва  
технологиялар университети

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 18 » 2023 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 33- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2023 йил « 5 » апрель куни тарқатилди.  
(2023 йил « 5 » апрелдаги 33- рақамли реестр баённомаси).



**Б.С. Закиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.С. Салиханова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**Ш.С.Намазов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, т.ф.д., проф. академик

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда металлга ишлов беришда ва бурғулаш ишлари учун кесувчи асбоблар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асосан вольфрам, кобальт ва никель карбидидан иборат бўлган қаттиқ қотишмаларни модификацияси бўйича илмий изланишлар олиб борилади. Уларни турли соҳаларда қўллаш соҳалари кенг бўлиб, бу машинасозлик, нефт ва газ ва металлургия саноати ҳисобланади. Қаттиқ қотишмаларни кукунли металлургия саноатида ишлаб чиқариш кўйидаги жараёнларни: майдалаш, карбидлаш, қайта тиклаш ва пресшлаш камраб олади. Бу борадаги нисбатан янги ёндашув – тартибланган тузилмаларни шакллантиришда нодир металллар билан легирлаш кейинги пайтда захираларни кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда кон металлургия саноатида кўп йиллар давомида тўпланиб қолган техноген чиқиндиларни қайта ишлаш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, қаттиқ қотишманинг асосий компоненти бўлган вольфрамли хом ашёнинг техноген ва рудали тозалаш даражасини ошириш; едирилишга чидамлилигининг пасайишининг сабабларини ва бу камчиликни бартараф этиш йўллари аниқлаш; хорижий ва маҳаллий маҳсулотларнинг қиёсий физик-кимёвий хоссалари аниқлаш; WC-Co; WC-Ni; VC-VC-Co; WC-ReC-Co; Ni-Re системаларида легирловчи элементларнинг ўзаро таъсирлашув табиатини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда қаттиқ қотишмали маҳсулот сифатини ошириш соҳасида вольфрамли хом ашёни структуралаш, унинг тозалик даражасини ошириш, қаттиқ қотишмали маҳсулотни ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳисобига маълум даражадаги назарий ва амалий натижалар олиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясининг «Ноанъанавий норуда хомашё ва иккиламчи ресурсларни жалб этган ҳолда қурилиш материаллари ҳажмини 2 мартага кўпайтириш, «Яшил иқтисодиёт» доирасида чиқиндисиз технологияларни яратиш ва жорий этиш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий хом ашёдан юқори чидамlilik ва ресурсга эга қаттиқ қотишмали маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини яратишга муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, 2021 йил 24 июндаги ПФ-5159-сон «Кон-металлургия ва унга боғлиқ бошқа саноат соҳаларини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 26 майдаги ПҚ-4731-сон «Олмалиқ КМК» АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни Тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқодлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Юқори едирилишга чидамли қаттиқ қотишмалар технологияларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини мукаммаллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан School of Chemical & Metallurgical Engineering, University of the Witwatersrand, (South Africa), Center of Excellence in Strong Materials, Johannesburg, (South Africa); Department of Metallurgy and Materials Engineering, Katholieke Universiteit Leuven, (Belgium); School of Material Science and Engineering, Shanghai University, (China); LTPCM, INP Grenoble, (France); Department of Materials Technology, University Institute of Technology, Caracas, Venezuela; Department of Materials and Environmental Chemistry, Stockholm University, (Sweden); Centro de Tecnología Avanzada, Parque Industrial Bernardo Quintana, (México); Бутунроссия қийин эрувчан металллар ва қотишмалар илмий-тадқиқод ва лойиҳалаш институти (БКМҚИТИ), Москва пўлат ва қотишмалар институтларида (МПҚИ) олиб борилмоқда.

Саноат чикиндилардан қаттиқ қотишмаларни модификациялашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: WC-12 мас.% Co туридаги қаттиқ қотишма таркибидаги 10 мас.% VC қўшимчасининг ишқаланиш ва едирилишга таъсири аниқланган (University of the Witwatersrand, South Africa), қотишма матричасининг зич жойлашиши ва паст ғоваклилиги ҳисобига  $WV_4C_5$  фазаси ҳосил бўлиши, бу қаттиқлик ва едирилишга чидамлилиқнинг ошишига олиб келиши исботланган (Katholieke Universiteit Leuven, Belgium). 1240°C ҳароратда 0,9% VC қўшимчали WC-12 % Co аралашманинг тузилиши зичлашади, WC заррачаларининг ўлчами кичраяди, қаттиқлиги ошириш усули яратилган (Shanghai University, China), механик эритиш усули билан синтез қилинган карбид ванадий-вольфрам нанокристалл кукуни майда ўлчамли заррачали WC-VC-Co қотишмани ҳосил қилган, майдалашни аргонда амалга ошириш усули ишлаб чиқилган (LTPCM, INP Grenoble, France), 1450°C да куйдирилган W-V-C-Co қотишмаси Co матричасидаги (V,W)C<sub>x</sub> заррачалардан иборат эканлиги аниқланган (Stockholm University, Sweden), тузилишининг механик хоссалари билан боғлиқлиги аниқланган (Parque Industrial Bernardo Quintana, México), карбид заррачалари ўлчамини назорат қилиш қовушқоқлик бузилишининг барча қийматларида мақсадга мувофиқлиги аниқланган (ВНИИТС, МИСиС, Россия).

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларга шарҳ: <https://marketing.rbc.ru/landings/dragotsennye-metally/>, <https://ru.investing.com/equities/impala-platinum-holdings-ltd>, <https://www.mineral.ru/Analytics/worldevents>, <https://www.krastsvetmet.ru/>.

Дунёда металлургия корхоналари чиқиндиларини утилизация қилиш орқали қаттиқ қотишмалар олиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан ванадий, рений, цирконий, гафний билан легирлаш усули билан қаттиқ қотишмаларни модификациялаш; карбид фазаси заррача ўлчамларини қаттиқ қотишма физик-механик хоссалари билан боғлаш; қотишма кукунларини компрессион пишириш технологияларини ривожлантириш; W-Mo; W-Re; Mo-Re гуруҳи қотишмалари, қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқариш чиқиндиларини электрохимий қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда ВК ва ВН гуруҳларига тааллуқли қаттиқ қотишмалар кукунли металлургиясининг асоси вольфрам карбиди ва никель ёки кобальт иштирокидаги металл-керамика композитлари ҳисобланади. Қаттиқ қотишмадан ускуналар яшаш борасидаги жаҳон тажрибасида едирилишга чидамликни оширишнинг 1) нано-ўлчамли структуралар ҳосил қилиш ва 2) легирлаш (жумладан ванадий ёрдамида) каби йўналишлари маълум.

Қаттиқ қотишмаларни модификациялаш соҳасида тадқиқотлар S. Hamar-Thibault (Франция); J. Pötschke (Германия); A.S. Bolokang (ЮАР), Lennart Bergstrom (Швеция); Xiao Liang Shi (Хитой) каби хорижлик олимлар томонидан, ўхшаш тадқиқотлар эса Умумиттифоқ қийин суюқланувчан металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий-текшириш институти (ВНИИТС, Москва шаҳри)да ва унинг Чирчиқдаги филиали (ЧФ ВНИИТС)да бажарилган. Ўзбекистон қийин суюқланувчан ва иссиқликка чидамли металллар комбинати (УзКТЖМ) нинг бугунги кундаги лойиҳаловчиси – “Олмалик КМК” АЖ таркибидаги Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бирлашмаси (НМваҚҚ ИИЧБ) – собиқ Нодир металллар саноати давлат илмий текшириш институти (ГИРЕДМЕТ)дир.

Ўзбекистонда мазкур мавзу бўйича Хайдаров В.Х., Кальков А.А., Поляков Б.И., Асадов И.С., Шарипов Х.Т. ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Аммо қаттиқ қотишмаларни ванадий ва ренийли легирлаш билан илгари ҳеч ким шуғулланмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғликлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «WC-Co қаттиқ қотишма системасининг янги авлодини яратишнинг назарий асослари», «ВК-6-қаттиқ қотишмаси хом ашёсини қайта тозалаш ва нано-структуралаш технологияси» ва «Олмалик КМК АЖ нинг молибден қуруми саноат маҳсулотини НМ ва ҚҚИЧ ИИЧБ да Олмалик КМК АЖ билан бирга қайта ишлашда олтин ва кумушни кайтмас йўқотилиш нормативи» хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юқори тозаликдаги вольфрам хом ашёсини ванадий ва рений билан легирлаш орқали қотишма компонентларининг тартибли тузилишини шакллантириш асосида ВК-6 и ВН-5 типдаги янги авлод қаттиқ қотишмаларини ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан

иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

вольфрам хом ашёси бўлган Ингичка кони маъданлари ва «ОКМК» АЖ НМваҚҚ ИИЧБ шламини гидрометаллургик қайта ишлаш технологиясини аниқлаштириш;

ВК ва ВН қаттиқ қотишма гуруҳлари карбид фазасини ванадий ва рений билан; ВК ва ВН қаттиқ қотишмаларининг Ni ва Co иштирокидаги композитларини рений билан легирлаш усулларини ишлаб чиқиш;

хом ашёни қайта тозалаш орқали ВК-6 ва ВН-5 қаттиқ қотишмаларини ванадий ва рений карбидлари ёрдамида легирлаш йўли билан модификациялаш технологиясини ишлаб чиқиш;

“Олмалик КМК” АЖ ва “Навой КМК” АЖ да ВК-6 ва ВН-5 модификацияланган қаттиқ қотишма намуналарининг солиштирма синовларини ўтказиш;

серияли ВК-6 ва ВН-5 қаттиқ қотишмаларининг едирилишга чидамлилигини камайиш сабабларини аниқлаш;

ишлаб чиқилган технологиянинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш;

W-Mo; W-Re; Mo-Re гуруҳи қотишмалари, қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқариш чиқиндиларини электрохимёвий қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида WC-Co, WC-Ni қаттиқ қотишмалари ва компонентлари ҳамда «ОКМК» АЖ НМваҚҚИЧ ИИЧБ даги уларни ишлаб чиқиш хом ашёларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** ВК-6 ва ВН-5 қаттиқ қотишмаларини модификациялаш усуллари, уларни ванадий ва рений билан легирлаш, мунтазам структураларни ҳосил қилиш, тайёрланган маҳсулотнинг функционал хусусиятларини ошириш, уларни ишлаб чиқаришдаги маъдан-минерал ва техноген хом ашёни қайта ишлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда электрохимё, спектрал таҳлил усуллари (оптик эмиссион спектрометрия, атом адсорбцион спектроскопия, рентген-спектрал микроэлементар таҳлил), рентген фазавий таҳлил, электрон микроскопия, дериватография, физик-механик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Волфрам ва молибден анионларини мономерик шаклларини ионли ассоциацияларга боғлайдиган лигандларни киритиш орқали уларнинг гетерополиконденсациясини олдини олишга асосланган эритмаларда ажратиш усули ишлаб чиқилган;

руда ва техноген хом ашёлардан волфрам карбидли қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш учун, тозалашдан сўнг, шу жумладан Шеелит концентратидagi изоморфик аралашмаларни олиб ташлаш учун мос эканлиги:  $UO_2$  ва  $ThO_2$  гидрокимёвий ва ишқорий усуллари самарали эканлиги аниқланган;

Волфрам ангидриди ва W-кекларига ишлов бериш учун сода, нитрат

кислота, аммиак ва автоклавда сода билан ишлаш схемалари кўрилиб, улардан иккинчи усули аммоний параволфрамат эритмаларидан сорбция қилиш ва магnezия иштирокида тозалаш ва кристаллаш киритилганда тезроқ ва самарали эканлиги аниқланган;

V ва Re аралашмаларининг таркибий ва физик-механик хусусиятларига 0-16% концентрация оралиғида, Co (Ni), карбид (WC) ва металл фазасида, VK ва VN турларининг қаттиқ қотишмаларида таъсири: бу ўзини микро, нано-структурада намоён бўлди ва уларнинг едирилишга чидамлилигини 90% га ошириши аниқланган;

металл волфрам хом ашёсини каустик калий эритмасида анодли эритишнинг электрохимёвий усули ишлаб чиқилган;

аммоний тузлари асосидаги электролитда металл волфрам ва унинг қотишмаларини анодли эритишнинг оптимал параметрлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

VK ва VN гуруҳларидаги қаттиқ қотишмаларнинг карбид фазасини ванадий ва рений билан легирлаш, хом ашёни қайта тозалашнинг технологик регламенти ишлаб чиқилган;

VN қаттиқ қотишмаси – никель жуфтлигини рений билан легирлашнинг технологик регламенти ишлаб чиқилган;

Ингичка кони маъданлари ва «ОКМК» АЖ НМваҚҚИЧ ИИЧБ шламларини қайта ишлашнинг гидрометаллургик усуллари янада такомиллаштирилган;

ишлаб чиқарилган технологияларнинг техник –иқтисодий кўрсаткичлари баҳоланган;

W-Mo; W-Re; Mo-Re группасидаги қотишмалар ва қаттиқ қотишмалар чиқиндиларини қайта ишлашнинг электрохимёвий технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** лаборатория шароитида нодир ва ноёб металларни ажратиб олишда танлаб эритиш даражасининг ошишини аниқлашда замонавий тадқиқот усуллари кўллаш билан асосланган ва тажриба-саноат синовларидан олинган натижалари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти VK ва VN гуруҳлари қаттиқ қотишмаларини ванадий ва рений билан модификациялаш усуллари асосланиб, намуна қотишманинг физик–химёвий (қотишма микроструктураси) ва физик-механик (қаттиқлик ва чидамlilik) кўрсаткичлари, қаттиқ қотишмаларнинг янги авлод WC-VC-Co, WC-VC-Ni системаси асосида легирланган карбид фазанинг ванадийли, никель билан жуфтнинг рений билан модификацияланган технологик схемаси таклиф этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти VK ва VN гуруҳлари қаттиқ қотишмаларини модификациялаш технологияси ишлаб чиқилгани,

бунда таркиб ва тузилишни тартиблаш ҳисобига шакллантирилгани, наноструктурада маъданли ва техноген вольфрам хом ашёсидан олинган ўта тоза компонентлар ишлатилган ҳолда легирлаш йўли билан бажарилгани, бу ҳол маҳсулот эса сифатини ошишига олиб келгани, тажриба-саноат синов технологиясидан олинган натижалар ўқув жараёнида ўқув услубиёти сифатида қўллашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ВК ва ВН қаттиқ қотишмаларини V ва Re билан легирлаш ва хом ашёни қайта тозалаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ВК-6 ва ВН-5 қаттиқ қотишмаларини ванадий билан легирлаш технологияси Олмалик кон-металлургия комбинати АЖДа амалиётга жорий қилинган (Олмалик кон-металлургия комбинати АЖнинг 2022 йил 14 декабрдаги 12-22/01-0428-сон маълумотномаси). Натижада, маҳсулот қаттиқлигини ошириш имконияти яратилиб, унинг чидамлилиқ кўрсаткичини 35-90 % гача ошириш имконини берган;

ВК-6 ва ВН-5 қаттиқ қотишмаларини рений билан легирлаш технологияси Олмалик кон-металлургия комбинати АЖДа амалиётга жорий этилган (Олмалик кон-металлургия комбинати АЖнинг 2022 йил 2022 йил 14 декабрдаги 12-22/01-0428-сон маълумотномаси). Натижада, маҳсулот қаттиқлигини ошириш имконияти яратилган ва чидамлилигини 35-45 % га ошириш имконини берган;

WC-ReC-Co ва WC-ReC-Ni система учун вольфрам хом ашёсини қўшимча тозалаш технологияси Навоий кон-металлургия комбинати АЖДа амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинати АЖнинг 2023 йил 12 январдаги 23/01-01-07/16-сон маълумотномаси). Натижада, модификацияланган ВК-6 ва ВН-5 қаттиқ қотишмаларининг чидамлилигини ВК-6 ва ВН-5 га нисбатан 65-75% гача ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 9 та, шу жумладан, 2 халқаро ва 7 республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши бўйича жами 21 та илмий ишлар нашр қилниб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр этишга тавсия этилган нашрларда 12 та мақола, улардан 3 таси республика ва 5 таси хорижий журналларида нашр этилган.

**Диссертация ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш қисмида** тақдим этилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фани

ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган.

Диссертациянинг **“Кукунли металлургия маҳсулотларининг хоссалари, уларни майдалаш ва синтез қилишнинг замонавий ҳолати”** деб номланган **биринчи бобида** мутахассислар ва истеъмолчилар томонидан **WC** гуруҳига кирувчи қаттиқ қотишма модификацияси маҳсулотига бўлган катта қизиқиш баён қилиниб, қаттиқ қотишмадан иборат ускуналарнинг юқори эксплуатацион хусусиятларига кўра асосланган. Ушбу мавзу бўйича тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган.

Диссертациянинг **“WC гуруҳи қаттиқ қотишмалари компонентлари хом ашёси, тозалаш усуллари ва таҳлил усуллари”** деб номланган **иккинчи бобида** вольфрам хом ашёси техноген (кобальт бирикмалари, никель, ванадий, рений бирикмаларини ўз ичига олган қаттиқ қотишма компонентларини олиш усуллари таърифлаб берилган. Қаттиқ қотишмаларнинг компонентли базасини ташкил қилиш учун, вольфрамли хом ашёни қайта ишлашнинг гидрометаллургик технологияси соҳасида изланишлар ўтказилган. Ингичка маъдан конида, “ОКМК” АЖ НМ ва ҚҚИЧ ИИЧБ шламлари билан, ванадий ва рений билан модификациялаш, **ВК** ва **ВН-5** қаттиқ қотишмаларининг структура ҳосил қилиши бўйича технологик база яратилган. Вольфрам қотишмаси чўкмасининг седиментация усули ўзлаштирилган, рений, ванадий, вольфрам карбиди кукуни дисперслиги назорат қилинган. **ВК** ва **ВН** гуруҳларидаги қаттиқ қотишмаларнинг **Со** ва **Ni** билан жуфтликларини рений билан легирлаш усули ишлаб чиқилган. Материал намунасининг таҳлили ААС, ICP-Agilent 7500; уларнинг ИҚ-спектрал таҳлили – UR-20 -20 ( $700-3600\text{ см}^{-1}$ ) усулларида, Фурье Nicolet iS50 Thermo Scientific термотаҳлили – Паулик Эрдей; юзаси эса SEM-EDS, EVO-MA, JSM-6000 Neoscope II; рентген фазавий таҳлил – XRD Empyreанда амалга оширилган. Ток зичлиги, намуналарининг сирт потенциали ПИ-50-1 потенциостатида ўлчанган.

Диссертациянинг **“Қаттиқ қотишма компонентлари гидрометаллургиясининг ривожланиши”** деб номланган **учинчи бобида** қаттиқ қотишма компонентларини кўшимчалардан тозалаш, комбинатнинг **W** ва **Mo** сақловчи шламларини технологик эритмаларда қайта ишлаб, **W** ва **Mo** бирикмаларига ажратиш усуллари ўрганиб чиқилган.

*W ва Mo бирикмаларини технологик эритмаларда ажратиши.*

НМ ва ҚҚИЧ ИИЧБда **Mo** ва **W** кекларининг қуйқа майдонлари кўшимча аралашмалар сақлайди. Нодир металлларни чиқиндиларини қайта ишлашда ҳам эритма одатда **W** ва **Mo** нинг кўшимча аралашмаларини сақлайди. Ушбу босқичнинг вазифаси уларни эритмаларда ажратиш усулини ишлаб чиқишдир; бунда объект сифатида **МВ-50** қотишмаларининг чиқиндиси олинди. Уни ишқорий электролитдаги анодли эритиш жараёни натижасида **Mo** ва **W** эритмага ўтади. Намуна  $50\text{ см}^3$  эритма бўлиб, фторопластли автоклавларда, 120, 140, 160, 180, 200 °C да термостатда ушланди, жараён 1

соат давом этди. Мо ва W нинг чўкмага ўтиш даражаси  $\alpha_{Mo}$  и  $\alpha_w$  коэффицентларига мувофиқ баҳоланди:

$$\alpha = \frac{\% Me \text{ (чўкмада)}}{\% Me \text{ (эритмада)}} \quad (1)$$


Бойитиш эса ажратиш коэффиценти билан баҳоланди:  $\gamma_{W/Mo}$ :

$$\gamma_{W/Mo} = \frac{\alpha_w}{\alpha_{Mo}} \quad (2)$$


Натрий вольфрамат ва молибдатнинг аралаш эритмасини нейтраллаш амалга оширилди (1-жадвал). Ажратишнинг максимум коэффиценти (19,4) га 160 °C да, pH=1,0 да эришилди. Ўлчовлар бошланғич  $C_{Mo}=C_w=10$  г/дм<sup>3</sup> қийматларда бажарилди. Олинган нисбатан катта қийматлар W-сақловчи чўкмани юқори тозалик даражасини кўрсатмайди, бу усул якуний ҳисобланмайди. Шунга қарамасдан, тоза W ни Мо билан биргаликдаги умумий эритмадан ажратиб олиш усули топилди. Бунинг учун уни нитрат кислота ёрдамида (комплекс ҳосил қилувчилар: қаҳрабо кислотаси ёки лиоксид иштирокида) нейтралланади. Комплекс ҳосил қилувчини танлаш кислоталарни 50% ли ионланишига мувофиқ (асос ҳам) pH миқдори pK<sub>a</sub> га тенг бўлган ҳолатда олинган, бунда K<sub>a</sub> – ионланиш константаси.

Нейтраллаш эритмасига комплекс ҳосил қилувчиларни солиш (HMoO<sub>4</sub><sup>-</sup> ва HWO<sub>4</sub><sup>-</sup> мономер ион кўринишларини стабилловчи, гетерополионлар ҳосил бўлишини блокловчи) уларни ажратишга олиб келади.

Оксалат ионлари ва лиоксид (H<sub>2</sub>O<sub>2</sub> гидролизли пахта лигинининг оксидланиш маҳсулоти, 6,5% COOH – группаси) лигандлари тадқиқ этилди.



1-расм. Ионланиш даражаси H<sub>2</sub>MoO<sub>4</sub>: 1–1-босқич, 2–2- босқич.



2-расм. Ионланиш даражаси H<sub>2</sub>WO<sub>4</sub>: 1– 1-босқич; 2–2-босқич.




Рис. 3. Мо ва W таркибининг чўкмадаги pH га бўғлиқлиги, 30 °C ҳароратда.

1-жадвал. W и Мо нинг ажратиш ва тақсимланиш коэффицентлари

pH	t, °C	Чўкмадаги миқдори, %		$\alpha_{Mo}$	$\alpha_w$	$\gamma_{W/Mo}$
		Mo	W			
0,0	140	72,5	78,7	2,64	3,69	1,40
-0,5	140	44,7	82,9	0,81	4,85	6,02
-1,0	140	23,1	85,1	0,30	5,71	18,8
0,0	160	72,7	79,2	2,66	3,80	1,43
-0,5	160	44,7	83,1	0,81	4,92	6,11
-1,0	160	23,7	85,7	0,31	5,99	19,4
0,0	180	72,8	78,8	2,68	3,72	1,39
-0,5	180	45,6	82,9	0,84	4,85	5,80
-1,0	180	23,7	84,2	0,31	5,33	17,1

0,0	200	73,6	78,1	2,79	3,57	1,28
-0,5	200	47,1	81,7	0,89	4,46	5,02
-1,0	200	24,2	83,4	0,32	5,02	15,6

pH=0,5 кўрсаткич мақбул деб топилди. pH кўрсаткичининг пасайиши Мо нинг протонланган катион шаклининг ҳосил бўлишига олиб келиши кўрсатилди. Бунда чўкма тозалиги  $W=97,9\%$  бўлди, бу эса қоникарли ҳисобланади. W (VI) Mo(VI) ни W- Мо чиқиндисини анодни қайта ишлаш эритмасида ажратиш усули ишлаб чиқилди.

2-жадвал. Аммоний вольфрамат ва молибдат эритмаларини нейтраллаш жараёнида бошлангич кўрсаткичлар:  $C_{Mo}=C_W=10$  г/дм<sup>3</sup>, pH=1, t = 85 °C да бўлганда pH (чапда) ва оксалат ионлари (ўнгда) концентрациясининг W ва Мо ни ажралиш коэффициентига боғлиқлиги.

pH	Чўкмадаги микдор, %		$\gamma_{Mo}$	$\gamma_W$	$\gamma_{W/Mo}$	Қахрабо кислота-си, г/л	Чўкмадаги микдор, %		$\gamma_{Mo}$	$\gamma_W$	$\gamma_{W/Mo}$
	Mo	W					Mo	W			
2.5	10.5	1.2	0.12	0.01	0.08	2	29.4	98.1	0.42	51.6	122
2.0	18.1	2.3	0.25	0.02	0.08	4	15.3	98.2	0.18	54.6	303
1.5	65.4	18.4	1.89	0.23	0.12	6	6.1	98.2	0.06	54.6	910
1.0	78.1	44.3	3.57	0.79	0.16	8	2.2	98.1	0.02	51.6	2580
0.5	83.5	65.2	5.06	1.87	0.37	10	2.1	98.2	0.02	54.6	2730
0.0	71.7	77.1	2.53	3.37	1.33	12	2.2	97.8	0.02	44.5	2225
-0.5	44.2	82.5	0.79	4.70	5.95	16	2.1	90.5	0.02	9.5	469
-1.0	23.5	84.3	0.31	5.37	17.3	20	2.2	82.5	0.02	4.7	235

Қаттиқ қотишма компонентларини қўшимча аралашмалардан тозалаш.

3-жадвал. HNO<sub>3</sub> эритмалардан H<sub>2</sub>WO<sub>4</sub> ни ажратиб олишнинг флокулянт концентрациясига боғлиқлиги: 1-ПАА, 2-Na-КМЦ, 3-Н-КМЦ, 4- карбопан.

ПАВ	ПАВ нинг % концентрациясида, H <sub>2</sub> WO <sub>4</sub> ни чиқиши %			
	0,025	0,05	0,10	0,125
ПАА	93,7	96,1	97,6	97,8
Na-КМЦ	91,7	95,8	96,7	96,8
Н-КМЦ	94,0	96,6	99,5	99,9
Карбопан	93,8	96,2	97,9	99,5

Тадқиқот босқичлари вазифаларидан бири ВК-6 қаттиқ қотишмасининг хом ашёсини тозалаш жараёни параметрларини ишлаб чиқишдир. Тоза хом ашёни қўлланилиши зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, W—сақловчи маҳсулот синтези учун вольфрам кислотанинг гидрометаллургик пульпа (чўкма)сини чўктиришнинг коллоид-кимёвий жараёнини бошқарувига алоҳида эътибор берилган, бунда модификацияланган флокулянтлар қўлланилган. 3-жадвалдан кўрилиб турибдики, энг яхши флокулянтлар Н-КМЦ бўлди. Мақбул концентрация – ПАА ёки Н-КМЦ учун: 0,100-0,1258% уларнинг кам концентрациясида H<sub>2</sub>WO<sub>4</sub> ни нитрат кислота ли эритмалардан ажратиб олиш жуда паст. Юқори концентрация эса зарарли (>1,25%) ПАВ: улар суспензиясини барқарорлаштиради. Н—КМЦ препарати учун H<sub>2</sub>WO<sub>4</sub> ни

ажратиб олиш вақти минимал даражада: 40 сек, ПАА ва карбонат учун эса - 75 сек бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг “ВК ва ВН қаттиқ қотишмаларнинг мустаҳкамлигини ошириш” деб номланган тўртинчи бобида қаттиқ қотишмаларни структуралаш усуллари, уларнинг мустаҳкамлик ва чидамлилиқка боғлиқлиги, WC-Co ва WC-Ni ни ванадий ва рений билан легирлаш усули, легирлаш технологиясини ишлаб чиқаришга бағишланган.

*Қаттиқ қотишмани структуралаш.*

ВК туридаги қаттиқ қотишмада вольфрам карбиди заррачаларини ушлаб қолиш матрицаси сифатида кобальт ёкки никелдан иборат “боғлам” (композит) қўлланилади. Маҳсулотнинг емирилишига қаршилигини ошириш долзарб муаммолардан ҳисобланади. ВК-6 қотишмасидан ясалган ускуналар, шу жумладан бурғулаш техникаси сифат кўрсаткичлари бўйича хорижий аналоглардан “орқада қолиш”ини намоён бўлди.

Бу босқичда *тадқиқот объекти* WC-Co системаси қотишмалари, уларни ишлаб чиқариш хом ашёси ва компонентлари, шунингдек V- ва ренийли лигатурадан иборатдир.

Юқорида баён қилинганлар ва иш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, мазкур босқич вазифалари лигатура танлаш (ВК-6 қаттиқ қотишмасини намунасини емирилишига чидамлилигини оширувчи), уларни физик-механик ва физик-кимёвий хусусиятларини ўлчашдан иборатдир.



Кобальтнинг якка таркибида, қаттиқ қотишмадан ясалган асбобларнинг кесувчи ва физик-механик хусусиятлари, вольфрам карбиди фазасининг заррачалар ўлчами билан белгиланади. “Қотишма заррачалари ўсиш ингибиторлари” (ванадий, рений ва бошқалар)ни легирлашнинг яна бир мақсади чидамлилиқка таъсир қилувчи заррачалар ўлчамини бошқаришдир.

4-жадвал. WC-Co ва WC-VC-Co намуналарининг едирилишига чидамлилигини аниқлаш бўйича синовлар натижалари (N<sub>1</sub>-V сиз, N<sub>2</sub>-V билан) -2 кг юклама, едирилиш вақти - 90 мин

Намуналар кўрсаткичи	Даст. мас-са	Синовдан кейин	Масса йўқотили, г
<i>Кичик намуналар</i>			
№1 - V сиз	21,6930	21,5211	0,1719
№2 - V билан	19,2564	19,1133	0,1431
Масса йўқотилишидаги фарқ, г			0,0288
Едирилишдаги фарқ, %	(0,0288/0,1719)·100 =		16,75%
<i>Катта намуналар</i>			
№1 - V сиз	41,0316	40,9484	0,0883
№2 - V билан	34,5264	34,4642	0,0622
Масса йўқотилишидаги фарқ, г			0,0261
Едирилишдаги фарқ, %	(0,0261/0,0883)·100 =		29,56%

Тайёрлов жараёнлари: - 4 та намуна тайёрланган: 2 серияли; - легирланган серияли 1% V<sub>8</sub>C<sub>7</sub>; - намуналарни емирилишга оид таққослаш

синовлари бажарилган. Натижада мавжуд ВК-6 қотишмали 1%ли ванадий карбиди билан легирлаш едирилишга чидамлилигини биринчи циклда - 16,75% га, иккинчи циклда - 29,56% га (4-5 жадвал) ошириши аниқланди.





1-расм. Қаттиқ қотишма намуналари СЭМ тасвирлари: №1 (В-сиз, чапда), №2 (В билан, ўнгда).



ВК-6 қаттиқ қотишма намуналари қаттиқлигини ўлчаш Роквелл усули бўйича бажарилган. Легирланмаган VC намуналарида (№1) HRA=88,5; легирланганда 1 % VC ((№2) HRA=88,7; 1% ли VC ни қўшиб қотишма қаттиқлигини оширилади. Ҳосил бўлган WC-VC-Co материалнинг зичлиги Co нинг худди шу миқдордаги WC-Co дан анча камлиги кўриниб турибди. VC, WC=5,57 ва 15,6 г/см<sup>3</sup> зичлигида, мос равишда, В<sub>3</sub>С<sub>7</sub> ва WC фазаларининг микроқаттиқлиги 2900 ва 2000 HV га тенг (Виккерс бўйича). (W, V) C қотишмасининг янги маркасининг зичлиги: 11-12 г/см<sup>3</sup>. Юқори зичлик маҳсулотнинг едирилишини анча камайтиришни таъминлайди.

5-жадвал. №1 намуна юзаси бўйича зондли элемент таҳлили натижалари

Элемент	Линия тури, серияси	Шартли концен-трация	Нисбат	Масс. %	Сигма масс.%	Эталон	Ўрнатилган эталон
C	K	0.02	0.00015	8.08	0.32	C Vit	Да
O	K	0.09	0.00030	10.15	0.22	SiO <sub>2</sub>	Да
Na	K	0.00	0.00002	0.53	0.08	Albite	Да
Al	K	0.02	0.00014	2.65	0.08	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Да
Co	K	0.19	0.00190	24.21	0.34	Co	Да
W	M	0.30	0.00301	54.38	0.39	W	Да
Сумма				100.00			



2-расм. Намуналар дифрактограммаси: №1 (В сиз, чапда), №2 (В билан, ўнгда)




3-расм. Намуна юзалари спектрлари: №1 (VC сиз), №2 (1% ли VC, ўнг-да)

ВК-6 ни 1% ли ванадий карбид билан ингибиторлаш йўли билан заррачаларни ўстириш тажрибаси бажарилди. Бунда қотишманинг юқори қаттиқлиги ва едирилишига чидамлигига эришилди. Электрон микроскопда олинган тасвирлар ва дифрактограммадан кўриниб турибдики, VC карбидини (1 масс.%) қўшиш қотишманинг заррача ўлчамини кичиклаштиради ва тартиблаштиради; қаттиқ қотишманинг нанотузилиши юзага келиши кузатилади.

*ВК-6 қаттиқ қотишмасининг мустаҳкамлиги ва тузилиши орасидаги боғлиқлик*

ВК-6 маталл-керамик қотишмаси WC ва Co кукунларини аралаштириб ҳосил қилинади, прессланиб, 1400 °C да пиширилади. Co суюқланиб, карбидни “хўллайди”. WC заррачанинг кичиклашуви билан бирга унинг мустаҳкамлигини ошириш усули сифатида хом ашёни тозалаш, тузилишини такомиллаштириш қўлланилади. Тузилиш нуқтаи назаридан ВК-6 қаттиқ қотишмасининг материал мустаҳкамлиги орасидаги боғлиқлигини аниқлаш қизиқиш уйғотди.



4-расм. №, №2, №4 намуналар юзаси (чапдан ўнгга), Jeol JSM-6701F.



№1

№2

№3


5-расм. №1-4 намуналарнинг микроструктураси, Метам РВ-21 микроскопи.



№4



М-3. Намуна



6-расм. №1 намуна спектри (SEM Jeol).

5-расм давоми. 4 ва М-3 намуналари.

*Ушбу босқичнинг вазифаси* вольфрам карбидининг кичик заррали кунини гранулометрик танлашдан иборат. Бунда тузилиш ва таркиб анча яхшиланган ВК-6 дан ясалган компакт ярим маҳсулот тайёрланган, ғовакликни камайтириб, вакуум-компрессорли печда пиширилади ва мустаҳкамлик, едирилишга чидамлилиқ баҳоланади. Со нинг тенг миқдориди, физик-механик хоссалари WC донадорлиги билан аниқланади. Қаттиқ қотишманинг мустаҳкамлиги парчаланишнинг эффе́ктив қовушқоқлигига боғлиқ, у эса ўзини қовушқоқлик ёриғини ортишига тўсқинлик қилишда намоён этади.

*Тадқиқот объекти:* ВК-6 қаттиқ қотишма намунаси ишлатилиши натижасида бузилган, узоқ муддат иши давомида №1, №2, №4 намунадан кесиб олинган, №3А-парчаланиб кетган юза микроструктураси, қаттиқлик, зичлик (ГОСТ 20013-74) элементар таркиб, емирилишдаги мустаҳкамлик чегараси. (ГОСТ 20019-74) (4-5 расм); №1-4 намуналари юзаси ўрганиб чиқилган. Улар юзасининг тасвири 4-расм микроструктурани акс эттиради.

6-жадвал. №1-4 намуналари ва ВК-6 қотишмасига қўйилган талаблар

№	Ишлаб чиқарувчи	Илова	ГОСТ 3882-74 ВК-6 учун
1	ООО «ВОКАР»	2 та қайта ўрнатишдан кейин синиш	Эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси 1519 Н/мм <sup>2</sup> ; зичлик 14.6-15.0 г/см <sup>3</sup> ; қаттиқлик НРА - 88.5 дан кам эмас; мустаҳкамлик 155 кг/мм <sup>2</sup>
2		3 та қайта ўрнатиш муваффақиятли емирилиб бўлгач, алмаштирилди	
3		Синиш узоқ вақт ишлатилмади	
4	Номаълум	3 та қайта ўрнатиш муваффақиятли емирилиб бўлгач, алмаштирилди.	

Намуналарнинг эксплуатацион характеристикаси ва ВК-6 қотишма хоссаларига бўлган талаблар (ГОСТ 3882-74), 6- жадвалда келтирилган. ВК-6 нинг ГОСТ 3882-74 бўйича ишлаб чиқариш схемаси (кетма-кетлиги) кўрсатилган: 1) вольфрамнинг икки босқичли қайтарилиши, шу жумладан юқори температурали, 1220 °С да; 2) 2150-2200 °С да карбидлаш; 3) 2 босқичли пишириш: 1- босқич 1000-1150 °С; 2-босқич 1400-1430 °С; 4) ВК-6

КС намуна кўрсаткичлари, мустаҳкамлик  $170 \text{ кг/мм}^2$ , қаттиқлик 88 HRA. Намуна қисмларидаги кимёвий таркиблар аниқланди (5-расм) 7-8 жадвалдан кўришиб турибдики, №1, №2, №4 намуналар ВК-6 маркасига мос келади. №3 намунасининг  $12.1 \text{ г/см}^3$  зичлиги мумкин бўлганидан паст эканлиги эътиборни тортади. №3 намунасининг парчаланиш сабаби тайёрланиш технологиясининг бузилиши билан боғлиқ, бу ўз навбатида йирик донадор микроструктурага олиб келувчи пишириш жараёнининг даражаларига боғлиқ.

№1 намуна ҳам ишлатилиш давомида муддатидан аввал парчalandи, у ҳам паст зичлик:  $14,19 \text{ г/см}^3$  (нормада эса  $14.6-15.0 \text{ г/см}^3$ ) билан баҳоланади, йирик донадор структурага ҳам эга (5-расм).

7-жадвал. №1, №2, №4 намуналар спектрларидаги экстремумлар

№	Вольфрам элементининг масса улуши, %	Кобальт элементининг масса улуши, % масс	ГОСТ 3882–74 маълумотлари, %
1	86.35- 92.12	4.39-6,33	Со - до 6,0; Карбид WC– 94,0
2	87.80- 97.41	2.31-9.35	
3	-	-	
4	87.30- 93.56	2.25-5.17	

Унинг ҳам парчаланишининг тахминий сабаби №3 намунасига жуда ўхшашдир. №2 ва №4 намуналарининг микроструктураси ВК группасидаги қаттиқ эритма учун мўлжалланган кўп компонентли қаттиқ қотишмаларга мос келади.

8-жадвал. Маҳсулот намуналарининг физик-механик хоссалари

№	Зичлик, $\text{г/см}^3$	Қаттиқлик, HRA	Тузилиши
1	14,19	88,97	йирик донали
2	14,28	88,90	майда донали
3	12,1	-	йирик донали
4	14,79	89,1	майда донали

9-жадвал. – Вольфрам триоксиди намунасининг таркиби 48-4205-122-2019 (ГОСТ 3882-74 бўйича сифат минимал талабдан юқори)

Элемент	Таркиб, р.р.ш.	Элемент	Таркиб, р.р.ш.
Na	<10	Cu	3
Mg	3	Zn	3
Al	3	As	3
Si	<10	Mo	10
K	<10	Cd	3

Навбатдаги босқич ВК-6 қаттиқ қотишмасидан ясалган маҳсулотнинг мустаҳкамлигини унинг тузилишини яхшилаш ҳисобига ошириш ҳисобланади.

*Босқичнинг вазифаси:* ВК-6 қаттиқ қотишмадан олинган намуналарнинг

физик-механик хоссаларини яхшилаш йўллари қидириш. Со ва W хом ашёсининг тозалигини аҳамиятини аниқлаштириш керак бўлиб, WC кукуни гранулометрияда ВК-6 қаттиқ қотишмадан ясалган маҳсулотнинг мустаҳкамлиги текширилди. Бу масалани ечиш учун WO<sub>3</sub> нинг ТУ 48-4205-122-2019 бўйича юқори тозалikka эга бўлган тажриба партияси тайёрланди (4.9-4.10 жадвал). WC кукунининг хоссалари 10-жадвалда келтирилган. WO<sub>3</sub> ни қайтарилиши электр печларда водород оқими ёрдамида олиб борилди.

10-жадвал. – Вольфрам карбидидан иборат кукун кўрсаткичлари

Сочилма зичлик, г/см <sup>3</sup>	2.77
Қиздириш давомидаги йўқотиш, %	0.14
Заррачаларнинг ўртача ўлчами, мкм	14.00

11-жадвал. ВК-6 нинг тажрибавий партиясининг тайёрланиш тартиби

№	Компонентлар таркиби, %		WC зарралари ўлчами, мкм	Майдаланиш давомийлиги, соат	Шарлар: аралашма нисбати	Суюқ мухит, спирт, дм <sup>3</sup>	WC заррасининг майдаланишдан кейинги ўлчами, мкм
	WC	Со					
1	94	6	7,45	48	8:1	1	0,55
2	94	6	7,45	72	8:1	1	0,49
3	94	6	7,45	120	8:1	1	0,46

Олинган вольфрам карбидидан ВК-6 қаттиқ қотишма намунасининг турли хил гранулометриқ таркибли WC билан тажриба партияси тайёрланди. Нам ҳолда майдалаш тегирмонда конгломератларнинг парчаланишига, WC зарраларининг майдаланишига, Со боғламларининг майдалашувига, WC ва Со қисмларининг ўзаро аралашувига олиб келади (11-жадвал).


12-жадвал. ТС ВК-6 нинг тажрибавий намунаси тадқиқотининг натижаси

Партия №	Газ	Пишириш ҳарорати, °С	Вақт, мин	Физик-механик хоссалари		
				Мустаҳкамлик, кгс/мм <sup>2</sup>	Қаттиқлик, HRA	Зичлик, г/см <sup>3</sup>
1	N <sub>2</sub>	1390	90'	70	88,5	13,31
	H <sub>2</sub>	1390	60'	115	90,1	14,74
	вакуум	1420	60'	125	89,7	14,72
2	N <sub>2</sub>	1390	90'	90	89,0	13,31
	H <sub>2</sub>	1390	66'	122	89,9	14,74
	вакуум	1420	60'	110	89,6	14,76
3	N <sub>2</sub>	1390	90'	107,5	89,9	14,06
	H <sub>2</sub>	1390	60'	160	90,5	14,61
	вакуум	1420	60'	105	89,9	14,70

Зарбали юкламаларга чидамли намуналарнинг микроструктураси гомоген, заррачалар ўртасидаги WC бўшлиқ Со билан тўлдирилган. Со ва W хом ашё тозалиги аҳамияти аниқлаштириш керак бўлди, ВК-6 қаттиқ қотишмадан ясалган маҳсулот мустаҳкамлиги КЗТС ишлаб чиқаришда WC кукуни

гранулометриясида қўлланилади. WO<sub>3</sub> нинг ТШ 48-4205-122-2019 бўйича юқори тозалikka эга тажрибавий партияси тайёрланди.

WC дан олинган кукун хоссалари 10-жадвалда келтирилган. ВК-6 қаттиқ қотишмадан ясалган маҳсулотнинг мустақкамлиги ва едирилишига гранулометриқ таркибининг таъсири ўрганиб чиқилди. Углерод билан пишириш (курум билан) юқори ҳароратда водород атмосферасида қуйидаги тенгламага асосан бажарилди:



Олинган вольфрам кадбидидан ВК-6 қаттиқ қотишманинг тажрибавий намуна партияси WC нинг ҳар хил гранулометриқ таркиби билан (10-жадвал) ясалди. Намуналар мустақкамлик, қаттиқлик ва зичлик кўрсаткичлари бўйича чидамлилиқка синовдан ўтказилди (12-жадвал).

Кобальт ва вольфрам карбиди кукунига компрессион пишириш усули қўлланилди, бунда янада яхшиланган таркиб ва юқори қаттиқликка эришилди, ундан ясалган маҳсулотнинг физик-механик кўрсаткичлари яхшиланди.

*WC-Co ва WC-Ni қаттиқ қотишмаларининг легирланиши.*

*Босқичнинг вазифаси:* 1-ванадий билан (карбид фазада); 2-рений билан (Co ёки Ni боғлам): 3-юқори тозалikka эга W хом ашёси ишлатилган ҳолда модификацияланган ВК ва ВН ҚҚ намуналарини яратиш ва уларнинг қаттиқлик ва едирилишга чидамлилиқ синовлари, тузилишини аниқлаш. Намуналарнинг физик-механик синовлари ВК-6 и ВН-5 қотишмалари иштирокида бажарилди.

*Тадқиқот объекти* - WC-Co, WC-Ni системасининг қотишмалари хом ашё компонентлари WC-Vc-[Co(Ni)-Re] материали синтези учун бирикмалар. WC-Co қаттиқ қотишма мисолида жараённинг схемаси қуйидагича: 1) W, V, Re карбидлари кукуни ва Co, Ni боғламларини, оксидларни қайтариш усули орқали олиш; 2) кукуни 1-2 мкм гача майдалаш; 3) элакдан ўтказиш ва майдалаш; 4) аралашма тайёрлаш; 5) пресслаш; 6) юклама остида пишириш, 1400 °C.

*ВК-6 қаттиқ қотишмасини модификациялаш*

Янги материалларни қаттиқлик ва едирилишга чидамлилиги солиштирма синовлари бажарилди (13-14-жадваллар).

13-жадвал. – ВК-6 қотишмасининг VC билан модификациялаш хоссалари

Намуналар, таркиби, масс. %			Қаттиқлик, HRA	Едирилишга чидамлилиқ (Δ), %
WC	Co	Vc		
93	6	1	89,0	19,0
90	6	4	89,0	51,5
89	6	5	89,1	64,7
88	6	6	90,0	65,2
85	6	9	90,0	60,8
83	6	11	90,1	65,5
81	6	13	90,1	90,1

14-жадвал. Re карбиди билан модификацияланган ВК-6 ҚҚ ва Со(Re) боғламча

Намуналар, таркиби, % масс			Қаттиқлик, HRA	Едирилишга чидамлилик (Δ),%
WC	Со	Re		
№2 топширик бўйича намуналар				
93	6	1	89,4	33,33
89	6	5	89,0	38,46
№3 топширик бўйича намуналар				
89	6	5	89,1	57
89	6	5	89,3	0
89	6	5	89,7	65,3
Со-Re боғламча материалдан ясалган намуналар				
0,0	97	3	90,2	39,0%
0,0	100	-	90.1	-

1-топширикда WC-VC-Со намуналари синовдан ўтказилди, 1,0-16,0% гача VC концентрация оралиғида. 2-топширикдан WC-ReC-Со (1,0-16,0% ReC). Хом ашё: WO<sub>3</sub> -0, WO<sub>3</sub> -1, WO<sub>3</sub> -2, WO<sub>3</sub> -3, 650 °C да тобланган, мос равишда: ПВА-0, ПВА-1, ПВА-2, ПВА-3. 3-топширик бўйича ВК-6 5% ли Re билан ва қўшимча тозалаш билан (13-14-жадваллар).

Водород оқимида WO<sub>3</sub> -0, WO<sub>3</sub> -1, WO<sub>3</sub> -2, WO<sub>3</sub> -3 намуналари W металлгача қайтарилган: W-0, W-1, W-2, W-3. Ярим тайёр WO<sub>3</sub> - 0, WO<sub>3</sub> - 1, WO<sub>3</sub> - 2, WO<sub>3</sub> -3; W-0, W-1, W-2, W-3 лар таҳлил қилинган.

15-жадвал. Модификацияланган ВН-5 қотишма намуналарнинг тавсифи

№	Намуна тавсифи
5	Таркибнинг боғламчаси: Ni 97%, Re 3%;
6	ВН-5
16/17	Ni 100 %; Со 100 %;
18	Таркибнинг боғламчаси: Со 97% + 3% Re
20	ВН-5 модификацияланган (1% VC тутган WC фаза);
21	ВН-5 модификацияланган (2% VC тутган WC фаза);
22	ВН-5 модификацияланган (3% VC тутган WC фаза);
23	ВН-5 модификацияланган (WC фаза 3% VC билан), W жуда тоза;
24	ВН-5 модификацияланган (WC фаза 1 % VC билан), боғлам 97% Ni-3% Re;
25	ВН-5 модификацияланган (WC фаза 2% VC билан), боғлам 97% Ni-3% Re);
27	ВН-5 (WC фаза 3% VC билан) + (боғлам Ni-Re (3%), W-жуда тоза хом ашё.

13-14-жадвалга асосан VC нинг таркибидан қатъий назар уларнинг қаттиқлиги ўзгармасдир. VC таркибининг 0 дан 16% гача ортиши билан нисбий едирилишга чидамлилик 90 % гача ўсиб борди, бунда VC 16% таркибга эга бўлди. WC-ReC-Со (5 масс.%) қаттиқ қотишма W хом ашёсини тозалаш, «ВК-6» ва «ВК-6 модификацияланган 5% рений билан қўшимча тозалашсиз»

га нисбатан едирилишга чиқамлилик: 38,5 % дан 57 % гача (бир маротаба) ва 65,3 % гача (уч маротаба) оширишга олиб келди.

